



## ЭКОЛОГИК ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ - ДАВР ТАЛАБИ

И.У.Уразбаев

Гулистан давлат университети “Тупроқшунослик” кафедраси  
профессори, б.ф.д. ismatulla 1957 @ mail.ru

К.Ишанкулова

Гулистан давлат университети “География ва экология”  
кафедраси катта ўқитувчиси.

### ARTICLE INFO

Received: 26<sup>th</sup> January 2024

Accepted: 04<sup>th</sup> February 2024

Online: 05<sup>th</sup> February 2024

### KEY WORDS

Экология, атроф-муҳит, таълим, тарбия, барқарор ривожланиш мақсадлари, билим, кўнишка.

### ABSTRACT

Мақолада кейинги йилларда экологик тарбияни ташкил қилишга бўлган ёндашувнинг ўзгаришига турткни бўлган асосий омиллар таҳлили келтирилган. Шунингдек, мақолада экологик тарбияга экология ҳақида атроф-муҳит ҳақидаги билимлар мажмууни шакллантириш эмас, балки шахсда атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни англаш, уларни таҳлил қилиш ва ушбу муаммоларга ечим топиш кўнишкарарини шакллантиришнинг аҳамияти ёритилади.

Сайёрамиз тарихи бу аслида тирик жонзотларнинг уларни ўраб турган атроф-муҳит билан ўзаро муносабати тарихидир. Инсонлар жонли ва жонсиз табиат билан доимий муносабатда бўлиб келган ва бу атроф муҳитнинг асосий унсурларидан бири саналган. Шу билан бирга, инсон атроф муҳитга ўз таъсирини ўтказиб келган ва ўз навбатида атроф муҳит таъсири остида ривожланган. Атроф-муҳитнинг инсонга бўлган таъсири аксарият ҳолларда ижобий характерга эга бўлган бўлсада, инсоннинг атроф-муҳитга таъсири охирги пайтларда кўпроқ салбий томонга ўзгариб бормоқда [9]. Шу сабабли биз таълим ва тарбиядан инсонни, унинг атроф муҳитга бўлган муносабатини, атроф-муҳит, экология билан боғлиқ муаммоларга ечим излаш кўнишкарарини, унинг табиат ва экологияга нисбатан хулқ-атворини, ўй-қарашларини ижобий томонга ўзгартериш жараёни сифатида фойдаланишимиз зарур. Экологик тарбия шу ўринда маълумотлардан фойдаланган ҳолда, огоҳликка даъват этиш, огоҳ қилиш, авайлаб асрар, ривожлантириш орқали инсон хулқ атворида экология ва атроф муҳитга нисбатан ижобий хулқ-атворни шакллантиришdir [4; 10].

Хозирги пайтда атроф-муҳит муаммоларидан боҳбар ва бу муаммоларга ечим топа оладиган шахсни камол топтириш экологик тарбиянинг асосий мақсадларидан бири саналади [12; 13]. Ундан ташқари экологик тарбиянинг яна бира муҳим мақсади бу шахса экологияга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш ҳиссини ривожлантириш, экология нисбатан ижобий хулқ-атворни шакллантириш, уни асрар авайлаш, атроф муҳитга етказилган талофатни бартараф этишда муҳим саналган кўнишкарарини шакллантиришdir. Кўпчилик хорижий олимлар томонидан экологик тарбиянинг асосий мақсади сифатида биохилмаҳилликни сақлаш ва уни муҳофоза қилишни амалга



ошириш деб қаралмоқда [1; 2; 11]. Экологик огоҳликка эга шахслар, яъни атроф-муҳитнинг жамиятга ва ўзларига бўлган таъсирини англовчи шахслар деганда, ўз ҳаётини давом эттирас экан турмушининг барча жабҳаларидағи ҳар бир ҳатти-ҳаракатини атроф-муҳитга нисбатан белгиловчи ва амалга оширувчи шахслар тушунилади [3].

Дунё миқёсида ўқув жараёнига экологик тарбияни киритиб ва унинг мазмунини тобора такомиллаштириб бориш янада долзарб масалага айланаетган вақтда экологик тарбиянинг асл моҳияти нимадан иборат эканлигини ва у нима мақсадларга эришишни таъминлаши лозимлигини аниқлаштириб олиш лозим саналади. Сўнгги йилларда бу масалада жуда кўплаб баҳс-мунозаралар кетаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Экологик тарбия масалаларига бағишлиланган хориж илмий адабиётларида ва соҳага оид материалларида эколгик тарбия, атроф-муҳит таълими, ва охирги пайтларда барқарор ривожланиш мақсадидаги таълим тушунчалари кенг қўлланилмоқда. Илмий адабиётларда кўп бора такрорланувчи ғоя бу экологик тарбиянинг учта муҳим аспектга эга эканлигидир. Булар 1) экологик тарбия бу атроф-муҳит ҳақида таълим, 2) экологик тарбия бу атроф муҳитдан келувчи, табиат қўйнида олиб борилувчи таълим ва 3) экологик тарбия бу атроф муҳит учун таълим беришдир. Бу типология Британиялик мутахассис Палмер [6] томонидан илгари сурилган бўлиб, ушбу типологиядан 1970-йилларда Буюк Британия мактаб таълими тизимида экологик тарбияни жорий қилишга бағишлиланган лойиҳасини баҳолашда қўлланилган. Атроф муҳит ҳақида таълим бу когнитив, билимга таяниладиган таълимни назарда тутади. Атроф муҳитда кечувчи таълим деганда атроф-муҳитдан, табиатдан ўқув жараёнини ташкил қилишда асосий манба, восита сифатида фойдаланишини назарда тутади. Ва ниҳоят атроф-муҳит учун таълим шахсда атроф-муҳитга ижобий таъсир кўрсатувчи, ундаги салбий ўзгаришларнинг олдини олишга қаратилган хулқ-авторни шакллантирувчи таълимни назарда тутади. Ушбу типологиядаг З-аспект яъни “атроф муҳит учун таълим” тушунчалиги Жиклинг ва Спорк [5] томонидан танқид остига олинган бўлиб, уларнинг фикрича бу аспект табиатга нисбатан ва экологик тарбияга нисбатан антропоцентрик муносабатда бўлишни назарда тутишини ва ушбу тушунчадаги “учун” сўзи инсониятнинг табиатга нима яхшию нима ёмон эканлигини белгилашини назарда тутишини унинг асосий камчилиги сифатида кўрсатиб ўтишган. Ваҳоланки, Жиклинг ва Споркка [5] кўра инсоният табиатга нима яхши ва нима ёмонлигини белгилаш қудратига эга эмас.

Кўпчилик хорижий олимлар фикрига кўра экологик тарбия, атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган таълим алоҳида фан сифатида ўтилиши самара бермаслигини, аксинча уни ўқув жараёнидаги барча фанларнинг, хусусан, аниқ фанлар, ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунига сингдириш самаралироқ эканлигини таъликлашади. Бироқ кейинги йилларда инсоният фаровонлигига эришишининг механизмларини излашга бўлган ёндашувнинг ўзгариши натижасида экологик тарбия масаласига ҳам бошқача нуқтаи назар билан қараш шаклланиб бормоқда. Буни биз БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) рўёбга чиқаришда таълимда олиб борилаётган ислоҳотларда кўришимиз мумкин. Чунки агар БМТ томонидан илгари сурилган барқарор ривожланиш мақсадларига назар ташлайдиган бўлсақ, 17 та



мақсаддан 7 таси бевосита атроф-муҳит масалаларига қаратилган. Бу эса ўз навбатида күпчилик таълим тизимларида “Барқарор ривожланиш мақсадлари таълими”, “Барқарор ривожланиш мақсадлари учун таълим ва тарбия” каби янги йўналишлар, фан ва модулларнинг яратилишига туркт бўлмоқда. Шунингдек, БРМларини ҳар бир фан мазмунига сингдириш, ушбу 17 та мақсадлар атрофида айланувчи мавзуларни, ушбу мақсадларни рўёбга чиқаришда зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, экологик тарбия бу нафақат атроф-муҳит ва табиат, экология ҳақида билимга эга бўлишни, балки улар билан боғлиқ бўлган муаммоларни аниқлай олиш, уларни таҳлил қилиш, улар ҳақида танқидий фикрлай олиш ҳамда ушбу муаммоларга креатив, илмий ёндашган ҳолда ечимлар таклиф топиш кўникмаларини шакллантиришни ҳам назарда тутади.

АҚШ Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Агентлиги таърифига кўра экологик тарбия бу шахсларга атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган муаммоларни тафтиш этиш, уларни бартараф этишда фаол иштирок этиш ва атроф-муҳитни яхшилашга томон ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради. Бунинг натижасида шахслар атроф-муҳит муаммолари ҳақида чуқурроқ тушунчага ва атроф-муҳитга таъсир қилиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилишга огоҳлик ва масъулият ҳисси билан ёндашиш учун етарли кўникмаларга эга бўлишади [8]. Бунда экологик тарбиянинг асосий таркибий қисмлари сифатида қўйидагилар белгиланган:

- атроф муҳитдаги ўзгаришлардан огоҳ бўлиш ва уларга бефарқ бўлмаслик;
- атроф-муҳит ва у билан боғлиқ муаммоларни тушуниш ва улар ҳақида билимга эга бўлиш;
- атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳамда атроф-муҳит сифатини яхшилаш ва сақлашга интилиш;
- атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни аниқлай олиш ва уларни бартараф этиш учун зарур кўникма ва малакаларга эга бўлиш;
- атроф-муҳит билан боғлиқ муаммоларни барадаф этиш учун доимий ҳаракатда бўлиш [8].

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Фарб мамлакатлари таълим тизимида, айниқса мактабгача ва умумий таълим тизимида ўқувчиларнинг экологик таълим ва тарбиясини ташкил қилишда асосий урғу ўқувчиларда танқидий фикрлаш, муаммоларни ҳал қила олиш кўникмаларини шакллантиришга берилади. ЮНЕСКО ҳам инсон учун атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган муаммоларга ечим топишида зарур бўлган кўникмаларини шакллантириши экологик тарбиянинг асосини ташкил қилиш лозимлиги таъкидланиб келади. Бироқ ЮНЕСКО томонидан 2021 йилда таёrlанган “Атроф муҳит муаммоларининг таълимга интеграция қилиш ҳолати бўйича глобал ҳисоботи” га кўра дунё мамлакатлари таълим тизимлари ўқувчиларга атроф-муҳит инқизорлари ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга мослашиш, уларни бартараф этишда зарур бўлган билим ва кўникмаларни бера олмаяпти [7]. Ўтказилган тадқиқотга кўра ўқувчиларда экологик тарбияда муҳим саналган социо-эмоционал кўникмалар ва ҳаракатга йўналтирилган компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга кам эътибор қаратилмоқда [7]. 1600 нафар ўқитувчи ва таълим соҳасидаги етакчилар ўтказилган сўровномада иштирокчиларнинг 3 дан 1



қисми бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар масаласига эътибор қаратилмаганлигини ва бу бўйича етарли малакага эга эмасликларини таъкидлаган [7]. Бу ўз навбатида ҳалигача бўлажак ўқитувчиларни тайёрлаш тизимида экологик тарбия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган таълимнинг етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини, бўлажак ўқитувчиларда бундай таълимни ўз фанларига интеграция қилиш учун етарли билим, кўникма ва малакага эга эмаслигини англатади. Ўз навбитади ЮНЕСКО томонидан бу йўналишда олиб борилаётган сайи-ҳаракатларнинг пировард мақсади 2025 йилга қадар дунёдаги барча мамлакатларда экологик таълим ва тарбияни мактаб ўқув режасидаги асосий фанга айлантириш эканлиги таъкидланган [7]. Бу эса экологик таълим ва тарбияга жаҳон тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда, хусусан, БМТ ҳамда ЮНЕСКО томонидан илгари сурилаётган ёндашувларни батафсил таҳлил қилиш, уларни рўёбга чиқариш бўйича илмий-амалий ишлар кўламини ошириш лозимлигини англатади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, замонавий контекстда экологик тарбия, атроф-муҳит ҳақидаги таълимга ўзгача ёндашувни талаб қилувчи, комплекс билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга ва ривожлантиришга қаратилган фан сифатида қаралмоғи лозим. Бу эса ўз навбатида экологик тарбияни ташкил қилишнинг методологик асосиларини, бўлажак ўқитувчилар тайёрлаш тизимида, олий таълим тизимида фан ва соҳалар бўйича талабаларга билимлар бериш ва кўникмалар шакллантиришга бўлган ёндашувларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

## References:

1. Komilova, N. K., Ravshanov, A. K., Karshibaeva, L. K., Ishankulova, K. Q., & Madrahimova, Z. N. (2020). Some theoretical and practical issues of medical geographical research. Indian Journal of Forensic Medicine & Toxicology, 14(3), 2111-2117.
2. Nigmatov, A., Madrakhimova, Z., & Ishankulova, K. (2020). Geotourism: Problems and Solutions on the Example of Uzbekistan. International Journal of Progressive Sciences and Technologies, 21(1), 14-21.
3. Madraximova, Z. N., Ishankulova, K. K., & Turdiqulova, J. S. (2022). Sirdaryo viloyati hududidagi sho'rlangan tuproqlarda Steviy dorivor o'simligini yetishtirish agrotexnikasini ishlab chiqish. Ekologiya monitoring, 1(1), 41-43.
4. Khodzhaeva, N. D., Urazbayev, I. U., & Ishankulova, K. K. (2021, December). Study on some features of water exchange of local varieties of hard wheat. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 939, No. 1, p. 012061). IOP Publishing.
5. Egamkulov, K. E., & Karshibayeva, L. K. (2021). SIRDARYO VILOYATI AHOLISINING MILLIY TARKIBI UNING GEOKRIMINOGEN HOLATGA TA'SIRI. Экономика и социум, (1-1 (80)), 62-64.
6. Karshibayeva, L., & Egamkulov, H. (2023). SIRDARYO VILOYATINING DEMOGRAFIK VAZIYATI VA UNING GEOGRAFIK JIHATLARI. Scientific journal of the Fergana State University, (4), 98-98.



7. Karshibayeva, L. K., Ishankulova, K. K., & Toymbayeva, D. A. (2023). MIRZACHO 'L TIBBIY GEOGRAFIK RAYONIDAGI SOG 'LOMLASHTIRISH MASKANLARINING DAVOLOVCHI TABIIY RESURSLAR BILAN TA'MINLANGANLIGI. Экономика и социум, (1-2 (104)), 42-51.
8. Komilova, N. Q., & Karshibayeva, L. K. (2023). JIZZAX VA SIRDARYO VILOYATLARIDA AHOLI SALOMATLIGINI YAXSHILASHNING GEOGRAFIK JIXATLARI. Экономика и социум, (4-1 (107)), 141-150.
9. Kilichevna, K. L., Ishankulova, K. K., Madraximova, Z. N., & Maidanovich, K. N. (2022). The Growing of Pavlovia Plant in Syrdarya Region. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 9(12), 446-451.
10. Karshiboeva, L., Adham, J., Sobidkhon, S., Komila, I., Madrahimova, Z., Altiboeva, M., & Kurolova, R. (2021). Regularities of Regulations on Impacting Irrigated Water Land. Ilkogretim Online, 20(3).
11. Rakhmatov, O., Rakhmatov, F., Kurbanov, E., Rakhmatullaev, R., Kasimov, A., & Musayeva, N. (2023). The methodological foundations of the thermal efficiency in a convective drying unit of the chamber type. In E3S Web of Conferences (Vol. 390). EDP Sciences.
12. Rakhmatov, O., Rakhmatov, F. O., Nuriev, K. K., & Nuriev, M. K. (2022, August). Development and justification of the thermal parameters of a mechanized rotary blancher. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 1076, No. 1, p. 012068). IOP Publishing.
13. Raxmatov, F. O., Raxmatov, O., Nuriev, K. K., & Nuriev, M. K. (2021, October). Combined dryer with high efficiency for drying high-moist agricultural products. In IOP Conference Series: Earth and Environmental Science (Vol. 868, No. 1, p. 012076). IOP Publishing.
14. Рахматов, Ф. О., & Нуриев, К. К. (2022). ИССЛЕДОВАНИЕ ПЛОДОВ ДЫНИ КАК ОБЪЕКТА ТЕХНИЧЕСКОЙ ПЕРЕРАБОТКИ. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР ТҮПЛАМИ, 330.
15. Artikov, A., Masharipova, Z., & Rakhmatov, F. (2020). AN INTELLECTUAL METHOD TO OPTIMALLY CONTROL THE PROCESS OF MICROWAVE DRYING OF THERMOLABILE PRODUCTS. Chemical Technology, Control and Management, 2020(5), 213-217.
16. Рахматов, О. О., Рахматов, Ф. О., Тухтамишев, С., & Равшанов, Ж. Н. (2017). ПРОИЗВОДСТВО ВЫСОКОКАЛОРИЙНЫХ ПИЩЕВЫХ ПРОДУКТОВ ИЗ УЗБЕКСКИХ СОРТОВ ДЫНЬ. In Научно-практические пути повышения экологической устойчивости и социально-экономическое обеспечение сельскохозяйственного производства (pp. 1312-1316).
17. Altibayeva, M. B., Karshibayeva, L. Q., & Madrakhimova, Z. N. (2022). Geodemographic status of syrdarya region and its role in the territorial location of service networks. Journal of Geography and Natural Resources, 2(03), 34-38.
18. Мирширапова, Г. К., Мустафақулов, Д. М., Қаршибоева, Л. Қ., & Мадраҳимова, З. Н. (2020). Сирдарё вилояти шароитида судан ўти ва мoshни соф ҳолда ҳамда аралаш экилганда ўсиш ва ривожлантиришга экиш меъёрининг таъсири. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, 3(81), 97-101.
19. Egamkulov, K. E., & Karshibayeva, L. K. (2021). SIRDARYO VILOYATI AHOLISINING MILLIY TARKIBI UNING GEOKRIMINOGEN HOLATGA TA'SIRI. Экономика и социум, (1-1 (80)), 62-64.



# EURASIAN JOURNAL OF TECHNOLOGY AND INNOVATION

Innovative Academy Research Support Center

Open access journal

[www.in-academy.uz](http://www.in-academy.uz)

20. Рахматов, О. (2019). Совершенствование технологии и технических средств для сушки и очистки ягод винограда. Автореф. доктор.(DSc) дисс. Ташкент.